



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Солиева Навруза Ахмадилло қизи -
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида
стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар
халқаро маркази, таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a68

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ҳолатига баҳо берилган, бу борадаги мавжуд муаммолар келтирилган, шунингдек, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги суғуртаси, субсидия, бюджет, кластер, кооперация, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фермер хўжалиги, экспорт, суғурта бозори.

ПУТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ СИСТЕМЫ СТРАХОВАНИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Солиева Навруза Ахмадилло қизи -
Международный центр стратегического
развития и исследований в сфере
продовольствия и сельского хозяйства

Аннотация. В статье дана оценка современному состоянию государственной поддержки системы страхования сельского хозяйства, представлены существующие проблемы в отрасли, а также даны научно и практически значимые предложения, и рекомендации по основным направлениям государственной поддержки системы агрострахования.

Ключевые слова: сельскохозяйственное страхование, субсидия, бюджет, кластер, кооперация, государственная поддержка, фермерское хозяйство, экспорт, страховой рынок.

WAYS OF STATE SUPPORT OF THE AGRICULTURAL INSURANCE SYSTEM

Solieva Navruza Ahmadillo kizi -
International Center for Strategic Development
and Research in food and agriculture

Abstract. The article assesses the current state of state support for the agricultural insurance system, presents the existing problems in the industry, as well as scientifically and practically significant proposals and recommendations on the main areas of state support for the agricultural insurance system.

Key words: agricultural insurance, subsidy, budget, cluster, cooperation, state support, farming, export, insurance market.

Кириш. Маълумки, муҳим бозор инфратузилмаси бўлмиш суғуртани ривожлантирмасдан туриб иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин эмас, шунинг учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан суғурта тизимининг нечоғлиқ ривожланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Яъни уларга бозор шароитида эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларини кўрсата оладиган замонавий суғурта хизматларини кенг ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти самарадорлигига об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан ҳар хил табиий офатлар натижа-сида етказиладиган зарарлар бевосита таъсир этади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда суғурта тизимида бир қатор муаммолар мавжуддир, яъни қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимининг давлат томонидан етарлича қўллаб-қув-

ватланмаслиги, суғуртанинг рағбатлантирувчи функциясининг тўлақонли намоён бўла олмаётганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги соҳасининг суғурта хизматлари билан қамрови даражаси пастлиги, аксарият фермер хўжаликлари раҳбарларида суғурта маданиятининг етарлича шаклланмаганлиги, яъни улар суғуртанинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини яхши тушунмаслиги, фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг пастлиги, суғурта тизимида малакали кадрлар етишмаслиги ва соҳа ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш ва улар билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш зарурлиги, суғурта ташкилотлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мукамал эмаслиги ва ҳоказо. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизими ривожланишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллардан дир.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан табиат ҳодисаларига таъсирчанлиги, хатарларнинг турли-туманлиги ва содир бўлиш эҳтимолининг юқорилиги сабабли суғурталаш тизими самарадорлигининг паст бўлишига олиб келмоқда. Бундай шароитда айнан қишлоқ хўжалиги суғурта хизматлари кўрсатувчи суғурта компанияларини ёки бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан шуғулланувчи тузилмаларини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш объектив заруратга айланмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимининг моҳияти ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўллари бўйича аграр иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишларда бир қатор фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Жумладан, россиялик олима А.А.Назарованинг фикрича, “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш инфратузилмаларини ривожлантиришда давлат муассасалари муҳим ўрин эгаллайди. Улар қишлоқ хўжалиги суғуртаси ривожланишида муҳим ташкилий-бошқарув институтларини яратгани ҳолда ўзига хос кўмак берувчи, мувофиқлаштирувчи ва агросуғурта компаниялари учун умумий қоидаларни белгилаб берувчи институционал муҳит бўлиб хизмат қилади” [17].

И.А.Соколованинг таъкидлашича эса: “Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларни кучайтирилиши суғуртанинг қишлоқ хўжалиги корхоналари учун хатарларни бошқаришда ва суғурта ҳодисаларидан келадиган зарарларнинг қопланувчанлигини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини таъминлаш ҳамда фермерлар учун кредит ресурслари ва лизингдан фойдаланиш имкониятларини оширишда, шунингдек, аграр соҳанинг инвестицион жозибадорлигини оширишда муҳим дастак сифатидаги ролини оширишга олиб келади” [18].

Е.В.Зобова ва Е.А.Юринларнинг фикрича: “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хўжаликлар манфаати нуқтаи назаридан қараганда кўпроқ рағбатлантирувчилик хусусиятларига эга бўлса, иккинчидан давлат маблағларининг аниқ манзилли сарфланиши жиҳатидан устворликка эга. Лекин бу уч томонлама, яъни суғурта компанияси, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва давлатнинг ўзаро манфаатини таъминлашга кенг шароит яратади” [19].

Е.В.Коломин, Е.Ф.Дюжиков ва Ю.А.Сплетуховларнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг барча турлари, айниқса, экинлар ҳосилини су-

ғурталаш давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиши орқали амалга оширилади;

- суғурта жараёнлари давлат томонидан тизимли равишда, қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилади, бунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, давлат ва суғурта компанияларини манфаатларини тўлиқ ҳисобга олувчи меъририй-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;

- суғурта муносабатларининг тегишли давлат ташкилоти, яъни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиши, шунингдек, суғурта муносабатлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида давлатнинг муайян кафолатлари остида махсус захира фондларини яратиш ёки қайта суғурталаш йўналишидан фойдаланиш орқали амалга оширилади;

- давлатнинг бу жараёндаги молиявий иштироки қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта мукофотининг бир қисмини субсидиялаш ёки суғурта ҳодисаси рўй берганда келтирилган зарарнинг бир қисмини қоплаб беришда намоён бўлади;

- қишлоқ хўжалигини суғурталашда давлат аралашувининг мақсади, хўжаликларнинг фавқулудда ҳодисалар, табиий офатлардан келадиган зарарлардан қисман ҳимоя қилиш бўлиб, масалан, экинлар ҳосилини суғурталашда ҳамма ҳосилни эмас, балки унинг бир қисмини суғуртавий ҳимоя қилади ва ҳоказо [20].

Тадқиқот методологияси. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз томонидан суғурта тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10 июль куни суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда суғурта соҳасининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоиз эканлиги ва ривожланган мамлакатларда эса масалан, Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этишини ҳисобга олиб, соҳага илғор ва замонавий стандартларни жорий этиш, барча суғурта бозори иштирокчилари ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиш, суғурта бозорини ривожлантирадиган самарали тузилма яратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари суғурта соҳасида

замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди [2].

Айтиш лозимки, қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизими давлат томонидан қўллаб-қувватланмас экан, ҳозирги ҳолатда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ва агро-бизнес субъектларининг етарли даражада манфаати ҳимоя қилинмаслиги ҳамда уларнинг суғуртадан оммавий тарзда фойдаланмаслигига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, уларнинг молиявий ҳолати нобарқарор бўлишининг асосий сабабларидандир. Шу боисдан қишлоқ хўжалиги хатарларининг кенг миқёслилиги ва улардан келадиган салбий оқибатларни фермер хўжаликлари ўз кучлари билан ҳал эта олмасликлари ҳамда агросуғурта тизими самарадорлигини ошириш мақсадида соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан республикамизда қишлоқ хўжалиги суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 505-сонли қарори билан тасдиқланган “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида низом”нинг “Суғурта ҳодисаси ва суғурта товонини тўлаш тартиби” номли 5-бобининг 33-банди бўйича ҳисоб-китобларга асосан аниқланган суғурта товонлари ҳажми йиғилган суғурта мукофотларининг 80 фоизидан ошган қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурталовчига, яъни суғурта компаниясига бюджет субсидияси ажратилади [5]. Бунда бюджет субсидияси суғурталовчи томонидан белгиланган тартибда аниқланган суғурта товонларининг умумий суммаси (суғурталовчининг харажатларини инобатга олган ҳолда) суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлиқ қопланмаган ҳолларда ажратилади (1-жадвал).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизми

№	Қўллаб-қувватлаш тури	Амалга ошириш механизми	Ҳуқуқий-меъёрий асоси
1.	Пахта ва ғалла ҳосилини суғуртлашда субсидия ажратиш	Ҳисоб-китобларга асосан аниқланган суғурта товонлари ҳажми йиғилган суғурта мукофотларининг 80 фоизидан ошган қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурталовчига, яъни суғурта компаниясига бюджет субсидияси ажратилади	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги “Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 505-сонли қарори
2.	Мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларини субсидиялаш	2022 йил 1 мартдан бошлаб мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига – экспорт шартномаси мавжуд бўлган тақдирда, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб бериш амалиёти жорий этилган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли қарори
3.	Суғурта фондини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлдириш	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йилдан бошлаб “Ўзагросуғурта” АЖ суғурта компаниясининг суғурта фондини тўлдириб бориш мақсадида бюджет ҳисобидан маблағ ажратиш кўзда тутилган	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги “Ўзагросуғурта” давлат акционерлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 125*-сонли қарорининг 9-банди

Манба: муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва коопера-

ция тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли қарори билан 2022 йил 1 мартдан бошлаб мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва

фермер хўжаликларига – экспорт шартномаси мавжуд бўлган тақдирда, мева-сабзавот хосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб бериш амалиёти жорий этилган [6].

Ҳозирги кунда республикамизда 40 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият юритаётган бўлиб, уларда фақатгина иккитаси, яъни “Ўзагросуғурта” АЖ ва “MY INSURANCE” суғурта компаниялари қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан шуғулланади, холос.

Мамлакатимизда аксарият суғурта компанияларининг қишлоқ хўжалиги билан ишлашга бўлган қизиқишларининг пастлиги бир қатор сабаблар билан боғлиқ, жумладан:

- қишлоқ хўжалиги суғурта турларини жорий этиш бошқа суғурта турларига нисбатан хатарлилиги даражаси юқорилиги, кўп харажатли эканлиги туфайли жуда кам фойда қолиши;

- қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва ҳайвонлар кўпайишини мониторинг қилиш тадбирларининг кўп меҳнат ҳамда харажат талаб қилиши ва соҳа бўйича мутахассисларни жалб қилишни талаб этиши;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг аксариятида суғурта маданиятининг етишмаслиги ва шартнома шартларини бажаришдаги интизомнинг пастлиги;

- айрим фермер хўжаликлари томонидан нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши, масалан, чорва ҳайвонларида мавжуд касалликларни яшириш ва шу кабилар.

Бу масаланинг биринчи томони, лекин масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг суғуртага етарлича қизиқмаслиги сабаблари қуйидагилардан иборат:

- аксарият фермерлар учун суғурта мукофотлари миқдорининг юқорилиги ва суғурта товонини олиш эҳтимолининг пастлиги;

- суғурта компанияси томонидан суғурта бўйича унинг мазмун-моҳияти, фермерлар учун унинг афзалликлари, суғурта турлари ва бошқа зарур маълумотлар билан таъминлаш ташвиқот-тарғибот ишларининг сустлиги;

- суғурта компанияси фаолиятидаги шаффоликнинг етишмаслиги ва фермерларнинг суғурта компаниясига ишончларининг сустлиги;

- аксарият фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати етарли эмаслиги оқибатида суғурта хизматларидан фойдалана олмаслиги;

- мева-сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотларининг асосий етиштирувчиси бўлган деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқаларни суғуртага жалб қилишнинг самарали механизмлари

йўқлиги ва уларга мос бўлган минисуғурта турларининг етарли эмаслиги;

- суғурта бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларининг етарли эмаслиги ва уларнинг тўғридан-тўғри етказилиши бўйича механизмлар мавжуд эмаслиги ва ҳоказо.

Тадқиқотларимиздан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишлардан олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш. Бизда ҳам бошқа мамлакатлар каби “Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тўғрисидаги қонун”ни қабул қилиш, суғурта таърифлари ва суғурта қиймати суғурта товонларини ҳисоблашнинг ягона меъёрий асосларини яратиш ва шу кабилар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта мукофотини қоплаш учун субсидиялар ажратиш. Давлат бюджети ҳисобидан қишлоқ хўжалиги суғурта хизматларининг алоҳида турлари учун суғурта мукофоти ёки суғурта тарифининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш амалиётини жорий этиш.

Биргаликда суғурталаш билан шуғулланувчи тузилмалар ва бошқа турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш учун давлат томонидан паст фоизли кредит ажратиш ҳамда солиқ имтиёзларини бериш. Аксарият, фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати пастлиги туфайли суғурта қилдира олмаслиги, мева-сабзавот, сут, гўшт маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчи бўлган деҳқон хўжаликларининг суғуртадан четда қолиб кетиши, суғурта компаниялари уларни суғурта қилмаслиги шароитида биргаликда суғурталашга асосланган турли шаклдаги суғурта тузилмалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш фаолиятини олиб борувчи суғурта компаниялари учун зарур бўлган замонавий юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш. Олий таълим муассасаларида суғурта тизими учун зарур бўлган замонавий мутахассисликлар, яъни ажастер, актуарчи, ассистанс, сюрвейер ва бошқа мутахассисликлар бўйича йўналишларни очиш ва ўқитиш, суғурта компанияларида ишловчиларнинг мунтазам равишда малакасини ошириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш.



1-расм. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Манба: муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

Вилоятлар кесимида суғурта тизими учун керак бўладиган мутахассисликлар тури ва сонини аниқлаган ҳолда квоталар ажратиш. Бундан ташқари янги турдаги суғурта турларини жорий этиш малакали ходимларни ҳам тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради, масалан, индексли суғурта турларини жорий этиш суғурта ҳодисасидан келадиган зарарларни объектив баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма объектларини ривожлантиришга инвестициялар ажратиш. Давлат томонидан суғуртанинг янги турларини ишлаб чиқиш, актуар ҳисоб-китобларни амалга ошириш, замонавий метеорология ускуналарини сотиб олиб ўрнатиш тадбирларини молиялаштириш, мутахассисларни замонавий стандартга, экинларни мониторинг қилиш суғурта ҳодисаси туфайли келадиган зарарни баҳолаш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитиш тадбирларини молиялаштириш ва шу кабилар.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз, яъни:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта мукофотининг 50 фоиз қисмини субсидия сифатида ажратиб бериш. Ушбу таклифнинг моҳияти, ҳосил суғуртаси бўйича шартнома тузган қишлоқ хўжалиги корхонасига суғурта мукофотининг бир қисмини қоплаб беришда давлат бюджети маблағларидан фойдаланишдан иборат;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта ҳодисасидан келган зарарни 50 фоиз қисмини субсидиялаш. Бунинг моҳияти ҳосил суғуртаси бўйича шартнома тузган қишлоқ хўжалиги корхонасига табиат ҳодисаси туфайли келтирилган зарарнинг бир қисмини қоплаб беришда давлат бюджети маблағларидан фойдаланишдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта мукофотининг 50 фоиз қисмини субсидиялашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат, жумладан:

- хўжаликларнинг маблағи чегараланган шароитда ҳисобланган суғурта мукофотининг фақатгина бир қисмини тўлайди, холос;

- суғурта компанияси учун ҳам қолган суғурта мукофоти учун давлат томонидан субсидия ажратилиши натижасида суғурталашга бўлган рағбати пасаймайди;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун молиявий юкнинг пасайишига олиб келади;

- суғурта қилдиришга маблағи етишмаган хўжаликларни жалб қилиш эвазига суғурта қамрови даражаси ортади ва шу кабилар.

Ушбу йўналиш афзаллиги билан бирга бир қатор камчиликларга эга, яъни:

- давлат бюджетни ҳисобидан маблағларни барча шартнома тузган ҳар бир хўжаликка суғурта товонининг бир қисми сифатида тўлаб берилиши нисбатан кўп маблағ сарфланишига олиб келади;

- тўланган суғурта товони миқдори билан суғурта ҳодисаси туфайли келадиган зарар миқдори ўртасидаги боғлиқликни аниқлаб бўлмайди;

- бюджет маблағларининг мақсадли ишла-тилиши ва суғурталанувчилар фаолиятини назорат қилишда давлат аралашувининг чекланганлиги;

- суғурта товонини субсидиялаш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин ва шу кабилар.

Шу тариқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта ҳодисасидан келган зарарнинг 50 фоиз қисмини субсидиялашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат, яъни:

- ушбу йўналишда бюджет маблағлари ҳар бир хўжаликка эмас, балки фақатгина ҳодисалардан зарар кўрган хўжаликларга тўлаб берилиши, субсидиянинг мақсадли бўлишини таъминлайди;

- хўжаликлар субсидияни тўғридан- тўғри давлат томонидан олишлари, давлатнинг улар олдидаги масъулиятини оширади;

- бюджет маблағлари фақатгина зарар кўрган хўжаликларга тўлаб берилиши, суғурта

мукофотини тўлаб беришдаги маблағларга нисбатан камроқ сарфланишига олиб келади, чунки суғурта ҳодисаси барча тузилган шартномалар бўйича содир бўлмайди;

- давлатнинг бюджет маблағлари сарфланиши устидан назоратини кучайтиради, чунки суғурта ҳодисасининг ҳақиқатда рўй берганлигини ва суғурта товони ҳажмлари тўғри ҳисобланганлигини текшириш лозим бўлади.

Камчиликлари эса:

- айрим ҳолатларда суғурта ҳодисаларидан келадиган зарарларни ва ушбу зарарларнинг қанча миқдори айнан ушбу суғурта ҳодисаси туфайли эканлигини баҳолаш мураккаблиги;

- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини яхши тушинадиган, суғурта ҳодисаларидан келадиган зарарларни баҳолаш бўйича малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

- суғурта ҳодисаларининг ҳақиқатдан содир бўлганлиги ҳамда суғурта товонининг тўғри ҳисобланганлигини асословчи ҳужжатлар суғурта компанияси, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва давлатнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши лозимлиги ва шу кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, биринчи йўналишда хўжаликлар манфаати нуқтаи назаридан қараганда кўпроқ рағбатлантирувчилик хусусиятларига эга бўлса, иккинчи йўналиш давлат маблағларининг аниқ манзилли сарфланиши жиҳатидан устуворликка эга. Лекин иккала йўналишнинг жорий этилиши қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг уч томонлама, яъни суғурта компанияси, фермер хўжаликлари ва давлатнинг ўзаро манфаатини таъминлашга кенг шароит яратган ҳолда агросуғурта соҳаси ривожланишида муҳим омил бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган ва 2021 йил 23 ноябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни.*

2. *Суғурта бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 июль куни суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йўналиши. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/sugurta-bozorini-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qilindi.html>*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги "Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 505-сонли қарори. [Lex.uz](http://lex.uz)*

6. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-52-сонли қарори.*

7. Система агрострахования с господдержкой понесла основную нагрузку по компенсации ущерба. <https://rg.ru/2021/03/30/sistema-agrostrahovaniia-s-gospodderzhkoj-ponesla-osnovnuu-nagruzku-po-kompensacii-ushcherba.html>
8. Lloyd's of London. Википедия. https://ru.wikipedia.org/wiki/Lloyd%E2%80%99s_of_London
9. Одиноква Т.Д. Экономическая сущность страхования с учетом эволюционных теоретических позиций. Журнал. Вестник Академии знаний 2020 г. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskaya-suschnost-strahovaniya-s-uchetom-evolyutsionnyh-teoreticheskikh-pozitsiy>
10. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. С. 248. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskaya-suschnost-strahovaniya-s-uchetom-evolyutsionnyh-teoreticheskikh-pozitsiy>
11. Воблый К.Г. Основы экономики страхования. – М., 1995 (переизд. 1916 г.). С. 2.
12. Шершеневич Г.Ф. Курс торгового права. – М.: Статут, 2003. Т. 2. – 544 с.
13. Wagner A. Der Staat und das Versicherungswesen, 1881. С. 113.
14. Худяков А.И. Теория страхования. – М.: Статут, 2010. – 656 с.
15. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник; в 2 т. / СПбГУ, экон. факультет; Под ред. Г.В. Черновой. – М.: ЗАО «Изд-во «Экономика», 2010. Т.1 / [А.Н. Базанов, Л.В. Белинская, Н.Л. Вещунова и др.]. 751 с.
16. Собиров Х.Р. Ўзбекистон суғурта тарихидан. // “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2000 йил, 10-сон, 57-б. <https://staff.tiiame.uz/storage/users/58/presentations/x8Gn8zPduFHnuCMt8llqwV8oAMPBTBT5GUcqJxput.pdf>
17. Назарова А.А. Совершенствование сельскохозяйственного страхования с государственной поддержкой в России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2015 г.
18. Соколова И.А. Страхование сельскохозяйственной деятельности – элемент аграрной политики. // Экономика сельского хозяйства России. 2010. № 10. С. 56-64.
19. Зобова Е.В. ва Юрин Е.А. Финансовые основы страхования сельскохозяйственных культур. // Журнал. Социально-экономические явления и процессы, № 10 (032). – М., 2011.
20. Коломин Е.В., Дюжиков Е.Ф., Сплетухов Ю.А. Разработка концепции страхования сельскохозяйственного производства. // Академия бюджета и казначейства Минфина России. Финансовый журнал. 2009. № 1. С. 88-99.